



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЛАЙЗИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг таклифига биноан 4 февраль куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Куала-Лумпур халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Малайзия парламенти Вакиллар палатаси спикери Жоҳари бин Абдул таълим вазири Замбри Абдулқодир ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон етакчисининг ташрифи шарафига фахрий қоровул саф тортиди, икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди.

Президентимиз аэропортида Малайзия парламенти спикери билан учрашув ўтказди. Бўлажак олий даражадаги учрашувлар кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Парламентлар доирасида фаол ҳамкорлик ва алмашинувларни давом эттириш, ўзаро ташрифлар ва дўстлик гуруҳлари тadbирларини ташкил этиш, қонун ижодкорлиги масалаларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, муҳим инвестициявий, инфратузилмавий, ижтимоий ва маданий-гуманитар дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ташриф дастурининг асосий тadbирлари 5 февраль куни бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазири олий даражада музокаралар ўтказди ҳамда Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форумида иштирок этади. Саммит якунида қатор ҳуқуқматлар ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

ЎЗА

Элчи Каромиддин ГАДОЕВ:

“ЎЗБЕКИСТОН ВА МАЛАЙЗИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА”

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни расмий ташриф билан Малайзияга борди.

Ўзбекистон элчиси Каромиддин Гадоев олий даражадаги Ўзбекистон — Малайзия саммити арафасида “Дунё” ахборот агентлиги учун берган интервьюсида Малайзия билан икки ва кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳақида тўхталди ҳамда икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

— Ўзбекистон ва Малайзияни азалдан тарихий, анъанавий дўстлик ришталари, дин муштараклиги, урф-одат ва маданий қадриятларнинг ўхшашлиги каби умумий жиҳатлар боғлаб туради. Бироқ бу умумийлик сўнгги йилларда, айниқса, яққол намоён бўлди ва икки давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликнинг локомотивига айланди.

Малайзияда XIX-XX асрларда Ҳиндистондан келган эмигрантлар туфайли бу гўзал мамлакатда ўз ўрнини топган ўзбек маданияти ва турмушининг бир қанча элементларини учратиш мумкин. Маълумки, Ҳиндистон ярим оролининг катта қисмида буюк саркарда ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур томонидан Бобурийлар давлатига асос солинган. Бобур Амир Темур авлоди бўлиб, у Ўзбекистоннинг Андижон шаҳрида тутилган.

Ўзбекистон географик жиҳатдан Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, минтақадаги барча давлатлар билан умумий чегараларга эга.

Ўз навбатида, Малайзия географик жиҳатдан Малай ярим оролида жойлашган. Ушбу мамлакат орқали Ҳинд океанини Тинч океани билан боғлайдиган стратегик муҳим Малакка транспорт йўлига ўтади. Ушбу коридор дунёдаги энг кўп аҳоли яшайдиган мамлакатлар — Ҳиндистон (1,45 миллиард киши, 1-ўрин), Хитой (1,42 миллиард киши, 2-ўрин) ва жадал ривожланаётган АСЕАН минтақаси (680 миллион киши) ўртасидаги транспорт алоқалари учун муҳим артерия ҳисобланади.

Бундан ташқари, Малайзия “Ҳақиқатан Осиё” (“truly Asia”) бўлиб, маҳаллий аҳоли таъкидлаганидек, Жануби-Шарқий Осиёда марказий жуғрофий ўрнини эгаллайди. Бу борада Ўзбекистон ва Малайзия икки стратегик муҳим минтақа — Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида яқин муносабатлар ўрнатиш учун ўзига хос кўприк бўла олади.

▶ Давоми 2-бетда

ҲАШҚАДАРЕДА ЯНГИ ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ИНШООТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Мамлакатимизда экологик тоза, арзон ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ҳамда мавжуд қувватларни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ҳудудларда соҳани ривожлантириш борасида сезиларли ишлар бажарилмоқда. Барча имкониятлар ишга солиниб, аҳолининг энергияга талабини қаноатлантириш учун янгидан янги лойиҳалар ишга туширилмоқда.

Тараққиёт одимлари



Жорий йил 28 январда электр энергетикасини 2025-2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йиғилишда мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда электр ишлаб чиқариш ҳажми 38 фоиз ошиб, 81,5 миллиард киловатт-соатга етгани, хусусий секторга кенг йўл очилгани туфайли 11,2 гигаваттлик қўшимча қувват яратилгани, натижада бу секторнинг генерациядаги улуши 24 фоизга, “яшил” энергия ҳиссаси эса 16 фоизга етгани қайд этилди.



“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти маҳаллийлаштириш доирасида кенг қўллади амалий ишларни давом эттирмоқда. Жумладан, режа асосида ҳудудларда кичик ва микро ГЭСлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, қуни кеча Шаҳрисабз туманидаги Ҳисорак сув омбори яқинида янгидан барпо этилган, энергетик қуввати 3,5 мегаваттга тенг, йилга ўртача 17,5 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи Ҳисорак кичик ГЭС фойдаланишга топширилди.

Маросимда сўзга чиққанлар гидроэнергетика тармоғи “яшил” энергетиканинг муҳим манбаи экани, жамият

томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси энди тўлақонли маҳаллийлаштириш доирасида бажарилаётгани, ҳудудларда қурилаётган кичик ва микро ГЭСлардан самарали фойдаланилаётгани таъкидланди.


Мазкур ГЭСнинг лойиҳа қиймати 1,5 миллион долларга тенг ва у йилга ўртача 5 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинишига замин яратди. Шунингдек, ГЭС томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси 7300 та хонадонни ёриштишга хизмат қилади.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ҲАШҚАДАРЕДА ЯНГИ ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ИНШООТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Жорий йилга мўлжалланган давлат дастурида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида оммавий спорт мусобақаларида аҳоли қамровини кенгайтириш вазираси назарда тутилган. Унга кўра, оммавий спорт мусобақалари қамрови 12 миллион нафарга етказилади. Бунинг учун маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли, хусусан, ёшлар орасида оммавий спортни кенг тарғиб қилиш, оммавий спорт мусобақаларини маҳалла ёшлари, мактаб, касбий ва олий таълим ўқувчи-талабалари, давлат ташкилотлари ходимлари ҳамда 31-45 ёшдаги аҳоли ўртасида ташкил қилиш каби вазифалар белгиланган.

Шу ўринда савол туғилади. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, умуман олганда, комплекс ривожлантиришга доир муҳим ҳужжат, давлат дастурида нега айнан спорт тарғиботига кенг жой ажратилган? Оқддий аҳоли орасида соғлом турмуш



тарзини тарғиб этмаса ҳам ҳар бир фуқаро ўзи учун бу ишларни бажараверса бўлмайди? Назаримда, спортни давлат дастури даражасида оммалаштиришнинг иккита муҳим сабаби бор.

▶ Давоми 3-бетда



ДУАЛ ТАЪЛИМ: ЎЗИНИ ОҚЛАЁТГАН ТАЖРИБА

Катта авлод вакиллари билан суҳбатлашиб қолсак, биз талабалик пайтида ҳам ўқиб, ҳам ишлаганимиз, дейишади. Дарҳақиқат, инсоният тарихида олий таълимнинг турли шакллари ўйлаб топилган. Бунинг асосий мақсади — ҳар ким шароитидан келиб чиқиб олий таълимга эгалласин. Кундузги таълим, сиртки таълим, кечки таълим, массофавий таълим — санасак, уларнинг қатори анча кенг.

Тарихий маълумотларга кўра, сиртки таълимнинг дастлабки шакли 1830-йилларда Лондон университетидеда жорий қилинган. Бу таълим олиш ҳуқуқини кенроқ қатламлар учун очиқ қилишга қаратилган дастлабки қадамлардан бири эди. Кечки таълим шакли эса саноат инқилоби даврида, яъни XIX асрда Европада пайдо бўлган. Бу даврда ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг малакасини ошириш зарурати юзага чиққан. Яъни кундузги таълим шаклидан бошқа

Янгича ёндашувлар

барча таълим шакллари эҳтиёж натижасида пайдо бўлган. Мамлакатимизда ҳам муайян вақт таълимнинг кундузги таълимдан бошқа шакллари тугатилган. Натижада олий таълим олиш жараёни мураккаблаша борган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Олий таълим муассасасида сиртки (махсус сиртки) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан олий таълим тизимида мазкур таълим шакллари қайта тикланди. Бу минглаб юртдошларимиз учун ҳам соҳавий

меҳнат, ҳам олий таълим билан машғул бўлиш имкониятини яратди. Бироқ шундай соҳалар борки, уларда фаолият кўрсатиш учун фақатгина назарий билимларга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Бу, асосан, саноатдаги касб-хўнлар билан боғлиқ соҳалардир. Айнан шу каби йўналишлар учун жаҳон таълим тизимида дуал таълим тушунчаси мавжуд.

Дуал таълим тизими илк бор Германияда пайдо бўлган ва индустриал ривожланиш жараёнида анча шакланган. Ушбу таълим моделида ўқувчилар таълим муассасасида назарий билимлар олиш билан бирга ишлаб чиқариш корхоналарида амалий қўникмаларни эгаллайди. Тизим, хусусан, Германиянинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди.

▶ Давоми 5-бетда

Элчи Каромиддин ГАДОЕВ:

“ЎЗБЕКИСТОН ВА МАЛАЙЗИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА”

Бошланғич 1-бетда

Малайзия 1992 йил 1 январда Ўзбекистон мустақиллигини Жануби-Шарқий Осиёда биринчи бўлиб тан олган. Жорий йил 21 февраль кунги расмий Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 33 йил тўлади.

Малайзия ва Ўзбекистонга олий даражадаги расмий ташрифлар алмашинуви чоғида дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига пойдевор қўйилди. Шунингдек, ташрифлар давомида истиқболли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Сўнгги йилларда мамлакатлар ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада мустаҳкамланди. Икки томонлама ҳамкорликда самарали натижаларга эришилди, олий ва юқори даражадаги сиёсий мулоқот фаоллашди. Томонлар халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватламоқда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ҳам тобора мустаҳкамланаётир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 1 декабрь кунги Дубай шаҳрида ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси доирасида Малайзия собиқ Подшоҳи Султон Абдуллоҳ Риоутуддин Ал-Мустафо Биллоҳ Шоҳ билан ўтказган учрашуви 15 йиллик танаффусдан сўнг икки давлат ўртасидаги мулоқотни олий даражада қайта тиклади.

2024 йил Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликнинг сезиларли фаоллашгани билан ёдда қолди. Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг 2024 йил 17-19 май кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликнинг янги босқичини бошлаб берди. Унинг Ўзбекистон Президенти билан музокаралари ва икки давлат етакчилари томонидан имзоланган Кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёнот яқин келажак учун ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш имкониятини тақдим этди.

2023-2024 йилларда юқори даражадаги ташрифлар алмашинуви ҳам сезиларли тарзда фаоллашди. Хусусан, Малайзия парламенти Вакиллар палатаси спикери Жоҳари бин Абдул 2023 йилда Ўзбекистонга ташриф билан келди. Малайзия Сенати раиси ўринбосари Нур Жалал Муҳаммад ҳам Ўзбекистонга икки бор ташриф буюрди.

2024 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Малайзияга ташриф буюрди. Икки давлат парламентарлари ўртасида тузилган дўстлик гуруҳлари фаолияти ҳам фаоллашмоқда.

Малайзия ташқи ишлар вазири 2023 йил июль ойида ташриф билан Ўзбекистонга



келди. Шу билан бирга, 2024 йилнинг февраль ва июль ойларида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири икки марта ташриф билан Малайзияга борди.

Ўзбекистон ва Малайзия ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар ҳамкорликнинг муҳим механизми ҳисобланади. Ташқи ишлар вазирликларидан сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи давраси 2022 йил март ойида Путражая шаҳрида ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасида бўлиб ўтди. Сиёсий маслаҳатларнинг навбатдаги даврасини жорий йилда Тошкентда ўтказиш режалаштирилган.

Малайзия Ўзбекистоннинг АСЕАН давлатлари орасида муҳим савдо шериги бўлиб қолмоқда. Икки томонлама товар айирбошлаш кўрсаткичлари 2017 йилдан буюн барқарор ўсишни кўрсатяпти.

Малайзиянинг Ўзбекистонга экспортнинг асосий йўналишлари ёғ-мой, машина ва транспорт эҳтиёт қисмлари, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистондан Малайзияга кимё, тўқимачилик ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинади. Малайзиялик импортёрлар орасида мамлакатимизда етиштирилган янги сабзавот, полиз экинлари ва меваларга (гилос, ўрик, шафтоли, анор) қизиқиш ортиб бормоқда. Улар таъми ва нархи бўйича Малайзия бозорида анча рақобатбардош.

Малайзиялик инвесторларнинг Ўзбекистонга ишончи ҳам ортиб бораётир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда Малайзия капитал иштирокидаги 40 та корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан 7 таси 2024 йилда ташкил этилган. Мазкур лойиҳалар ўтган йили Куала-Лумпур (февраль), Самарқанд (май) ва Хива (сентябрь) шаҳарларида ўтказилган Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форумларининг самарали натижалари билан.

Бундан ташқари, ўтган йил май ойида Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувлар асосида Ўзбекистон — Малайзия ҳукуматлараро комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Томонлар жорий йилги иккинчи учрашуви тарихий Хивада ўтказишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон ўзининг стратегик жойлашуви, ривожланган транспорт инфратузилмаси ва қўшни давлатлар билан мавжуд эркин савдо шартномалари туфайли Малайзия бизнесининг 80 миллион аҳолига эга Марказий Осиё бозорига кириши учун муҳим дарвоза вазирасини ўтати мумкин. Ўз навбатида, Малайзия ўзбек бизнесининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларида иштирокини кенгайтиришда муҳим кўприк бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонлик мутахассислар малайзиялик ҳамкорлар билан биргаликда Марказий Осиё ва Малайзия ўртасида муқобил логистика йўналишларини ривожлантириш, икки давлатда логистика марказларини яратиш бўйича ишларни давом эттирмоқда.

Малайзиянинг туризм соҳасидаги тажрибаси жуда жозибали ва фойдали экани ҳеч кимга сир эмас. Малайзия 2015 йилдан буюн “Мусулмонлар учун дўст мамлакат” (“Muslim friendly country”) рейтингини биринчи ўринга эгаллаб келаяти ва ҳар йили 30 миллионга яқин хорижий сайёҳни қабул қилаётгани эътиборга лойиқдир.

Малайзия зиёрат туризми соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш нуктаи назардан ҳам жозибдор ҳисобланади. Малайзияликлар Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа буюк мутафаккирларимиз меросига ҳурмат билан қарайди.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент каби қадимий шаҳарларимизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари билан бир қаторда, юртимизда бошқа кўпلىк зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, малайзиялик сайёҳлар қизиқишини оширмоқда.

Шу нуктаи назардан, икки давлат ўртасидаги транспорт алоқаси масалалари алоҳида эътиборга лойиқдир. Бугунги кунда “Uzbekistan Airways” миллий авиакомпанияси ва Малайзиянинг “Batik Air Malaysia” авиаташувчиси томонидан Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасида ҳафтасига бешта тўғридан тўғри ҳаво қатновлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг 2024 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларга мувофиқ, Куала-Лумпурни Самарқанд ва Бухоро билан беголчи тўғридан тўғри авиаташувларни очиш масаласи кўриб чиқилляпти.

Таълимдаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг яна бир муҳим соҳаси бўлиб қолмоқда. Икки мамлакат таълим

ва илмий муассасалари ўртасида самарали шериклик муносабатлари ўрнатилган. Ислон цивилизацияси буюк алломаларининг интеллектуал меросига бағишланган халқаро семинарларни ўтказиш яхши ананаларга айланган.

Ўзбекистонга олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувлар доирасида 2024 йил октябрь ойида Малайзия Миллий университети қошидаги Ислон цивилизацияси институтида ислоншунос олимлар иштирокида Имом Бухорий меросини ўрганиш бўйича халқаро конференция ташкил этилди.

Ўзбекистон Президентининг Малайзияга ташрифи арафасида Куала-Лумпур шаҳрида икки давлат таҳлил марказлари форуми ҳамда “Маданий мерос — Малайзия ва Ўзбекистон ўртасидаги кўприк” мавзусида дара сўхбати ўтказилди. Перак штатида олий таълим муассасалари ректорларининг биринчи форуми муваффақиятли ўтди. Пенанг штатида эса “Ўзбекистон — Ипак йўлининг дурдонаси” сайёҳлик кўргазмаси ташкил этилди.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга ташрифи ва олий даражадаги мулоқот мамлакатларимиз ўртасидаги илқ ва дўстона муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ва фойдаланилмаган юқори салоҳиятга эга икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ташриф доирасида қатор ҳукуматлараро ҳужжатлар, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги битимлар имзоланиши кутилмоқда. Куала-Лумпур икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми учун муҳим майдонга айланади. Унда биргаликда амалга ошириш учун бир қатор истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилиш ва келишувларга эришиш режалаштирилган.

Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, давом этаётган қарама-қаршиликлар, диний муросасизлик ва исломophobia ҳолатлари фонида Ўзбекистон ва Малайзия барча низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик гояларини глобал миқёсда кенг тарғиб этишни қатъий ва изчил тарғиб қилмоқда.

Мухтасар айтганда, 4 февраль кунги бошланган Ўзбекистон Президентининг Малайзияга расмий ташрифи сиёсат, хавфсизлик, савдо, иқтисодий, инвестициялар, транспорт алоқалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, таълим, инновация, маданият ва халқ дипломатияси соҳаларида кўп аспекти дўстлик, ўзаро ишонч ва англо-усул пойдеворига асосланган икки томонлама ҳамкорликда янги саҳифа очади.

“Дунё” АА
Куала-Лумпур

Пуктаи назар

ИККИ ТОМОНЛАМА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Равшан ҒОЗИЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Давлатлар ўртасида ўрнатилган илқ муносабатларда уларнинг географик жихатдан олис ёки яқинлиги муҳим роль ўйнамайди. Буни Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигида кўриш мумкин. Зеро, масофа нуктаи назардан бир-бирдан олислигига қарамай, икки давлат ҳамкорлиги кейинги йилларда сезиларли даражада ривожланиб, ҳар соҳада яқин алоқалар ўрнатилмоқда.

Бугунги кунда давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо, инвестиция, маданий, технологик ва бошқа кўп-лаб соҳалардаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бораётти. Бундан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор, албатта. Бинобарин, кўп малайзияликлар юртимизнинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Хивага ташриф буюришни истади, ўз навбатида, юртдошларимиз ҳам Малайзиянинг денгиз соҳилларида хордиқ чиқаришни хоҳляди. Бу эса Малайзия билан туризм соҳасида ҳамкорлик истиқболли эканини англатади.

Малайзия микроэлектроника ва яримўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик давлатларимиз учун манфаатли бўлиши шубҳасиз. Умуман, мамлакатларимиз ўртасида таълим, тиббиёт каби соҳалардан тортиб, туризм, саноат, банк-молия, маданий-гуманитар йўналишларида ҳамкорлик ҳам иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети малай тилини ўқиш бўйича асосий таълим даргоҳи ҳисобланади. 2024 йилда университетимиз талабалари халқаро малай тили нотиклик санъати танловида 47 давлат вакиллари орасидан яхши натижа қайд этиб, финал босқичига йўлланма олди.

Ўзбекистон ҳозир Малайзиянинг Марказий Осиё минтақасидаги йирик савдо ҳамкори ҳисобланади. Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳамми ўтган йилда 102,4 миллион долларга етган. 2016 йилдаги нисбатан савдо ҳамми икки баробар ўсган бўлса-да, ҳали фойдаланилмай турган имкониятлар кўп. Агар мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланилса, ушбу кўрсаткични тез фурсатларда 500-600 миллион долларга чиқариш имкони мавжуд.

Айни пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг тақлифига биноан ушбу мамлакатда бўлиб турибди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ташриф давомида икки давлат ўртасида имзоланган янги битимлар, ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган музокаралар давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, технологик кооперация, “яшил” энергетика, туризм каби йўналишлар ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон ва Малайзия маданий яқинлиги, дўстлик ва биродарлик ришталарига эга, тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлардир. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар бор ва асосийси,

Малайзия микроэлектроника ва яримўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик давлатларимиз учун манфаатли бўлиши шубҳасиз. Умуман, мамлакатларимиз ўртасида таълим, тиббиёт каби соҳалардан тортиб, туризм, саноат, банк-молия, маданий-гуманитар йўналишларида ҳамкорлик ҳам иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Бундан ташқари, 25-26 май кунлари Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган “Малайзия шеърини дунё саҳнасига — 2024” шиори остидаги “Қитъаларни бирлаштирган дунё овози” халқаро танловида иштирок этиб, фахрли иккинчи ва тўртинчи ўринларни қўлга киритди.

уни амалга ошириш борасида мақсадларимиз муштарак. Бу жуда муҳим жиҳат. Зеро, Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлиги нафақат икки давлат, балки Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги ўртасидаги муносабатлар ривожига янги босқичга чиқариши таъминлайди.

БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ҲУЖЖАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИгини ТАЪМИНЛАШ ВА ДИНИЙ СОҲАДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИ ЛОЙИХАСИ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Муҳокамаларда юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Хусусан, концепция лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганидан буюн 200 дан ортиқ изоҳ, таклиф ва тавсия келиб тушди.

Диний эътиқод ва диний бағрикенглик Ўзбекистон халқини бирлаштириш ва жипслаштиришга хизмат қилувчи, оилаларда ўзаро ҳурмат-эъзат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи эзгу қадриятдир. Шу боис, юртимиздаги ислохотлар жараёнида диний қадриятларимизни тиклаш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, муқаддас қадимжоларни обод қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Концепция лойиҳасида диний қадриятларимиз жамиятимиз учун жуда муҳим экани алоҳида қайд этилган. Зеро, улар Ўзбекистон халқи маданияти, турмуш тарзи,

урф-одатлари, одоб-ахлоқи шаклланиши ҳамда авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтишига хизмат қилиб келмоқда.

Ушбу ҳужжатда мамлакатимизда бу борадаги кенг қўламли ислохотлар ва янгиланган Конституцияимиз талабларидан келиб чиқиб, қатор тушунчаларга аниқ таърифлар берилмоқда. Яъни виждон эркинлиги ҳуқуқини янада қафолатлаш, диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари, принциплари, устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмлари очиб берилляпти.

Концепцияда диний соҳадаги ҳуқуқларни чекловчи бирор янги қонда киритилма-япти, аксинча, ҳуқуқлар аниқ баён этилиб, давлатнинг бу борадаги масъулияти ва мажбурияти белгилянмоқда. Ҳужжатда белгилянган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қарори билан

Парламент комиссияси ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда виждон эркинлиги борасидаги халқаро стандартлар, жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ҳужжатлари тўлиқ ўрганилган ва лойиҳани тайёрлашда инobatга олинган.

Концепцияда дин соҳасидаги сиёсатнинг мазмуни, мақсади, йўналишлари ва механизмларини белгилаб беради. Натижада жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувлик муҳити мустаҳкам бўлиши таъминланади. Концепциянинг энг муҳим мақсади ҳам айнан шулардан иборат.

— Ҳар бир инсоннинг Конституция ва қонунларда белгилянган шахсий, сиёсий, иқтисодий, иجتимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тенглик ва адолатлик асосида рўёбга чиқариш жамиятимизнинг умумий манфаатлари сирасига кирди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жуманазар Отажонов. — Шундай экан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмасдан, қонунчилик ва жамоат тартибини бузмасдан виждон эркинлиги конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиши,

“Концепция дин соҳасидаги сиёсатнинг мазмуни, мақсади, йўналишлари ва механизмларини белгилаб беради. Натижада жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувлик муҳити мустаҳкам бўлиши таъминланади. Концепциянинг энг муҳим мақсади ҳам айнан шулардан иборат.”

яъни ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслиги умумжамият манфаатлари ҳамда виждон эркинлиги уйғунлигини англатади. Ўзбекистонда мазкур уйғунлигини таъминлаш жамиятда қонун устуворлиги, тотувлик, иجتимоий ҳамжиҳатлик ва бирдамлик муҳити мустаҳкамланишига, юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг барвақт олди олинishiга ва уларни профилактика қилишга имкон яратади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, концепция лойиҳасида кўзда тутилган тамоийлар диний муносабатлардаги барчаннинг ўз ҳуқуқлари, бошқалар билан муносабатлари ва, албатта, чегараларини аниқ белгиляди. Буни давлат хизматчилари ҳам, олимлар ҳам, номутахассислар ва оддий инсонлар ҳам бир хил тушуниб, бир хил қабул қилиб, ушбу концепция

қоидалари бўйича ўз муносабатларини шакллантиради. Қолаверса, дунёвий давлат дегани нима экани, бу борадаги янгилик қарашлар ва нотўғри талқинларга чек қўяди. Натижада жамиятда барқарорлик янада мустаҳкамланади, тинчлик-тотувлик ва ҳамжиҳатлик кучаяди. Бу нарсалар эса ҳозир бирорта қонунда мавжуд эмас. Шунинг учун барча савол ва шубҳаларга нукта қўядиган ҳужжат концепциядир.

— Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар Конституцияимизда ва миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаматова. — Таклиф этилаётган концепциянинг қабул қилиниши фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод

қилмаслик бўйича қафолатланган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шунингдек, жамиятда қонун устуворлиги мустаҳкамланади, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошади. Ўзаро тотувлик, иجتимоий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик муҳити яхшиланади. Дунёвийликни таъминлашга доир қонунчилик янада тақомиллаштирилади, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар баргараф этилиб, дунёвий давлат принципини рўёбга чиқаришга тўсиқ бўлувчи омиллар минималлаштирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида давлат ва конфессиялар ўртасида диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни таъминлайдиган муносабатлар моделини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилади. Диний ва диншунослик таълим йўналишлари бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишни назарда тутадиган диний соҳада кадрлар тайёрлаш тизими мукамаллашадди. Диний соҳадаги давлат сиёсати ахборот маконида тизимли равишда ёритилиши таъминлаш учун давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва медиа соҳаси вакиллари ҳамкорлик механизмлари яратилади. Диний масалаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ва эксперт-таҳлилий лойиҳаларни амалга ошириш тизими йўлга қўйилляди.

Ҳужжат лойиҳаси муҳокамаси 10 февралга қадар давом этади. Барча юртдошларимиз уни тақомиллаштириш бўйича ўз таклифлари билан фаол иштирок этаётгани ушбу ҳужжатни жамоатчилик фикри асосида маромига етказиб, халқчил ва ҳаётий бўлишига замин яратади, албатта.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИЖТИМОЙ ҚУВВАТ СИРИ НИМАДА?

ЎЗБЕКИСТОН 2030



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Биринчиси, жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш. Агар спорт тарғиботи жадал юритилмаса, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, аксаримиз спорт билан шуғулланишга деярли бефарқ қараймиз ёки ҳафсала қилмаймиз. Бунга ҳаётини мисоллар талайгина.

Масалан, ҳозир ортиқча вазн масаласи кўпчиликни безовта қилади. Чунки аксариятимиз спорт билан шуғулланмаймиз. Тўғри овқатланиш ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Тиббиётчиларнинг айтишича, бундай ҳолатда одам ланжлик, ҳафсаласизлик кайфиятидан кутула олмайди. Шу боис, масъул идора ва ташкилотлар зиммасига мазкур вазифа юкланмоқда. Мақсад — жамиятда соғлом, комил шахслар сафини кенгайтириш, аҳоли саломатлигини таъминлаш орқали дори-дармонга сарфланаётган харажатларимизни тежаш.

Қадим афсоналарда қахрамонлар комил шахс сифатида тасвирланган. Ана шу комилликнинг асосий сифатларидан бири ўлароқ қахрамон жисмоний жиҳатдан бошқалардан устун экани кўрсатилади. Буни “Алпомиш”да ҳам, “Одиссея” ёки “Маҳобҳорат”да ҳам кўришимиз мумкин. Бу эпосларнинг қахрамонлари илм-маърифат билан бирга жисмоний машқларни ҳам пухта ўзлаштирган. Уларнинг барчаси болалик чоғидеяк бунга ўргатилган. Шунинг ўзини катта давлатчиликка эга ўлжалар доим жисмоний тарбияга жиддий эътибор берганини кўрсатади. Қахрамонларнинг кечис жисмоний қувватга эга эканига ургу бериш орқали оиласини, ватанини ҳимоя қилишга қодир шахсларни қиёфаси яратилган.

Тарихга боқиб, одамлар, макон ва замон турфа қиёфага кирганини, аммо ҳаёт қонунлари ўзгаришсиз қолаверишини англайсиз.



Яъни барча даврларда юрт тараққиёти ҳам жисмонан, ҳам руҳан комил шахсларга боғлиқ эканини кўрасиз. Бугун дунё манзараси, яққоқлик кайфиятидаги кучларнинг асл юзини зукко одамлар аллақачон фаҳмлаб улгурди. Бундай вақтда жамият бирдамлиги, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Давлат дастурида ёшлар, умуман, аҳолини спортга кенг жалб этиш орқали мана шундай соғлом, юрт шаънини ҳимоя қила оладиган авлодни камол топтириш мақсад қилинган. Жисмонан чиниққан, соғлом танамиз эса маърифат, илм-фан сари кенг йўл очади. Ахир бежиз доноларимиз “Соғлом танда соғ ақл”, дейишмаган.

Иккинчи жиҳати, спорт жамоа бўлишни, бирдамликни ўргатади. Ҳатто спортнинг яққоқлаш турлари ҳам! Буни ортиқча таърифлаш шарт эмас. Биргина 2024 йилда Парижда бўлиб ўтган ёзи Олимпия ва Паралимпия ўйинларини эшланнинг ўзи киёфия. Ушанда нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақамиз — Марказий Осиё халқлари яқдил бўлиб, спортчиларимиз ютуғидан қувондик. Бир-биримизни қўллаб-қувватладик. Бирдамлик, аҳилликнинг ҳаётдаги аксини кўра олдик.

Абдуқодир Хусановнинг дунёдаги етакчи футбол жамоаларидан бирига ўтиши ҳам худди шундай кайфият берди. Мазкур жумлаларни ёзаётганимда медиа оламинда яна бир қувончли янгилик пайдо бўлди. Халқаро “Judo Awards 2024” танловида Дниёра Келдиёрованинг Париждаги Олимпиадада япониялик Ута Абэни енггани “Йил воқелиги” деб топилди. Унинг устози Марко Шпитка эса аёллар терма жамоалари ўртасида энг яхши мураббий ютуғини қўлга киритибди.

Ли Куан Ю “Учинчи дунёдан биринчи дунёга” китобида бундай ёзади: “Агар Сингапур эришган муваффақиятини бир сўз билан таърифлашим лозим бўлганда, бу сўзни “ишонч” деган бўлардим”.

Парижда ўтган мусобақалар ҳам, Абдуқодир Хусановнинг натижаси ҳам жамиятимизда мана шундай ишонч кайфиятини уйғотгани рост. Такрор бўлса-да айтаемиз, ўтган йил ёзида Парижда бўлиб ўтган мусобақалар Марказий Осиё руҳи уйғонганини кўрсатди. Абдуқодирнинг “Манчестер Сити” футбол клубига ўтиши эса буни яна бир бор тасдиқлади. Қардош халқларимиз уни олқишлади, қозоқ оқинлари спортчиларимизга атаб қўшиқ айтди. Жамиятимизда ёшлар тасдиқлади, ўзгаришларга ишонч янада мустаҳкамланди.

Буни ижтимоий тармоқлардаги фикрлардан ҳам кўришимиз мумкин. Биргина мисол, ёзувчи, биолог олим Бахтиёр Абдуғафур ўз саҳифасида бундай ёзади: “Абдуқодир феномени” йўлимиздаги алоҳида босқич. Олимпиадаларда бир ҳодиса кетма-кет ярқ этган эди. Бир муҳим жиҳат бор шу ерда: “катта” бўляпмиз! Ҳали Абдуқодирга ўхшаган “феномен”лар ҳар соҳада порлайди, фанда, адабиётда, иқтисодда...

Ишонинг, кўп нарсага қодирмиз. Яна ҳам “катта” бўламиз!”.

Ана шу катта бўлиш йўлидаги битта босқич маҳалларда, идора ва ташкилотлар жамоаларида спортни ривожлантиришдир. Тасаввур қилинг, ҳар бир ёш оиласи, маҳалласида спорт билан доимий шуғулланса, қўчалар, туманлар кесимида спорт жамоалари шакллansa, қандай манзара пайдо бўлади? Аввало, жисмонан соғлом, сўнг руҳияти тетик — оиласи, маҳалла ва тумани, ватани шаъни учун курашадиган аҳил жамият янада мустаҳкамланади. Юқорида спортни ривожлантиришнинг икки сабабини бор эканини айтган эдик. Мана шу икки жиҳатнинг умумий қиёфаси ватанпарварликдир!

Шу боис, оммавий спорт тадбирлари деганда, фақат жисмоний соғлиқ билан чекланиб фикр билдиргим келмайди. Буни ажодларимиз жуда яхши фаҳмлаган. Катта сайиллар, муҳим саналар баҳонасида

мусобақалар уюштирган. Болалар чиллак, ошпик, арқон тортиш, кураш каби ўйинлар ўйнаган. Катталар улоқ ва кураш каби мусобақаларда қатнашган.

Мазкур мусобақалар сабаб жамиятдаги ўқтам йигитлар сараланиб борган. Оддий одамлар ёв келганида ўша паҳлавонлар ватан ҳимояси учун олд қаторда турлини билган, ишонган. Шундан келиб чиқиб айтсак, спорт қайсидир маънода ватанпарварлик маффураси ҳамдир. Ахир давлат дастурида спортни ривожлантириш ва жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги вазифалар бежиз изма-из ёзилмаган!

Давлат дастурида жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида қатор вазифалар белгиланган. Ҳозир мазкур вазифалар ҳақида батафсил тўхталишдан йироқмиз. Лекин жамиятнинг стратегик гоё ва мақсадларига мос миллий қадриятларни кенг омаллаштириш деган қисм ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Зеро, мазкур жиҳатнинг юқоридagi фикрларимизга боғлиқлиги бор.

Масалан, кўзланган мақсадга эришиш учун урта муҳим вазифа белгиланган. Шулардан бири янги миллий руҳиятни



шакллантириш ва жамият бирдамлигини таъминлаш мақсадида волонтерлик ҳаракатларини ташкил қилишдир. Миллий руҳиятни шакллантириш, жамият бирдамлиги юксак марра дегани. Қайсидир ўлкани эгаллаш учун, аввало, у ерда ички низоларни кучайтириш керак, деган қараш бор. Мазкур мақсад эса ана шундай хатарга қарши туришда қўл келади. Келинг, буни кенгроқ таҳлил қилсак.

Волонтерлик кўнгиллилар ҳаракати дегани. Мазкур вазифада жамиятда эзгулик истовчилар, бошқаларга бегараз ёрдам берадиган, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокчилар сафини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан жамиятда ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳини юксалтиради.

Дейлик, ҳеч ким йўқ нуруннига қўшни ёшлар қарашиб турса, унинг ҳолидан хабар олиб, оғирини енгил қилса, ўша кўнгилли

Давлат дастурида ёшлар, умуман, аҳолини спортга кенг жалб этиш орқали мана шундай соғлом, юрт шаънини ҳимоя қила оладиган авлодни камол топтириш мақсад қилинган. Жисмонан чиниққан, соғлом танамиз эса маърифат, илм-фан сари кенг йўл очади. Ахир бежиз доноларимиз “Соғлом танда соғ ақл”, дейишмаган.

йигит-қизларни маҳаллада ҳамма бирдан ҳурмат қила бошлайди. Ёки ўтган йили ижтимоий тармоқларда светофор ишламай турган чорраҳаларда йўлни тартибга солаётган ёшлар ҳақида бир қанча лавҳалар тарқалди. Ушанда уларни барча бирдек олқишлади. Мана шу каби жиҳатлар сабаб волонтерлик жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат туйғусини кучайтиради. Бу ҳам юқорида спорт мисолида айтганимиз каби ватанпарварликни мустаҳкамлайди.

Қувонарлиси, ҳозир ёшлар орасида волонтерлик сезиларли даражада кенгаймоқда. Масалан, кўнгилли ёшлар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида кўчатлар экишда мунтазам иштирок этипти. Соғлиғида



Жадид ажодимиз Абдулхамид Чўлпон “Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси”, деган эди. Бунинг учун, аввало, уйғонганлар кўнгилли бўлишни билиши керак. Яъни уйғоқ фикр билан оқ-қорани фарқлашнинг ўзи етарли эмас. Айна пайтда билганларимизни жамиятда, ён-атрофимиздагиларга тарғиб этишни истар эканмиз, шунга муносиб ҳаракат қилишимиз шарт.

муаммоси бор кексалар ва ёшларга мадад берадиган бир қанча волонтерлик гуруҳлари ташкил этилган. Давлат дастури билан ушбу фаолиятни янада кенгайтириш назарда тутилмоқда. Буни жамиятда бошқаларга бегараз яхшилик қилишни кўпроқ тарғиб этишга қаратилган эътибор деб қабул қилишимиз керак. Мамлакатимизда волонтерлик фаолияти кўпроқ омаллашса, худди спортдаги каби одамлар орасида муаммони ҳал қилишда жамоа бўлиб ҳаракат қилиш кўникмаси ошиб боради.

Масалан, Баҳодир Искандаров деган юртдошимиз Японияда истиқомат қилади. У доим ижтимоий тармоқлар орқали японияликларнинг яхши ва ёмон жиҳатларини ёритиб боради. Баҳодирнинг айтишича, кўнчиқар юртда пенсиядаги кексалар волонтерлик қилади. Яъни ҳар кун икки маҳал, ўқувчилар мактабга кетаётган ва келатганда уларни йўллардан ўтказиб қўяди. Кечирасиз-у, биз пидедалар йўлидан ўтаётган ўқувчини машинада уриб кетган ҳайдовчинин айбланишдан нарига ўтмаймиз. Ҳеч шубҳасиз, ҳайдовчи айбдор. Аммо ўша ҳолат бўлмаслиги учун ўзимиз нима қилдик, деган саволга жавоб излашимиз керак.

Шундангина том маънода муаммоларга ечим топамиз. Булар жуда кичик иш бўлиб кўринади, аммо айнан ўша кичик ҳолатлар бутун жамият ҳаётини ҳал қилишга қодир.

Яна бир мисол, шу кунларда 2024 йил давомида мамлакатимиз бўйича 103 хизматига жами 2713 та ёлгон қақирқ келиб тушгани маълум қилинди. Тўғри, бу кўрсаткич ўтган йилдагидан камайган. Демак, жамиятда ёлгон қақирқнинг оқибатини тушуниб етаётганлар сафи кенгаймоқда. Аммо битта ҳам ёлгон қақирқ бўлмаслиги шарт. Негаки ўша ёлгон қақирқ оқибатида тез ёрдам ҳақиқатан ёрдамга муҳтож шахсга вақтида етиб бора олмаслиги мумкин. Бу эса унинг атрофидаги ўнлаб одамлар қалбида тиббиёт соҳасига ишонччи сусайтиради.

Ҳа, ҳамма гап мана шундай кичик ҳолатлар ва ишончда!

Президентимиз 29 январь кунини Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказида танқид қилинган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида “Бош мақсадимиз — миллий ўзлимизни англаш ва англаштиш”, дея таъкидлади. Бу жуда катта вазифа. Бугун янги Ўзбекистонда барча жабҳаларда халқимизга ўзликни англаштишга қаратилган

сиёсат юритилмоқда. Ҳатто ташқи сиёсатимиздаги дўстлик, тинчлик ва эзгуликни тарғиб этиш орқали дунё халқларига ҳам умуминсоний туйғуларни тарғиб этаётганимизни кўриш мумкин. Бизга арзимасдек кўринган, оммавий спорт ёки кўнгиллилар сафини кенгайтиришга қаратилган ишлар замирида ҳам ана шундай катта ҳаётий ҳақиқат мужассам.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза, халқимизда инсофнинг борми, деган сўз жуда қаттиқ ҳақорат сифатида қабул қилинади. Чунки инсофсиз одамдан ҳар қандай ёмонлик чиқishi мумкинлигини тушуниш, тахмин қилиш қийин эмас. Одамлар ёмонлиқ бўлишдан қаттиқ қўрқарди. Бугун ўзлимизни англамоқчи эканмиз, “инсоф” сўзига мана шундай муносабатни қайтаришимиз керак бўлади.

Яқинда дўстларимдан бири кўйиниб бундай деди: “Ҳар кун ишга автобусда қатнайман. Биласиз, ҳайдовчилар нақд пул олмапти. Ҳар ким ўзидан билиб олайин тўлов қилиши керак. Кузатаман, айримлар индамасдан тушиб кетяпти, инсофсизлар”. Бу ҳолатда аслида биз ўзимизга зиён қилаётганимизни билмаймиз. Чунки ўша тўловларимиз орқали йўловчилар сони автоматлаштирилган тизим орқали ҳисоб-китоб қилинади. Шу ҳисобдан келиб чиқиб, автобусларнинг келиши оралиғи белгиланади. Қолаверса, ушбу маблағ жамоат транспорти ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Бундай ҳолатлар жамиятимизнинг оғриқли нуқтасидир. Жадид ажодимиз

тўп сураётган жамоа ўзи мухлислик қиладиган “Реал Мадрид” футбол клубига қарши ўйнаши ҳақида гап очди. Ундан қайси жамоани қўллаб-қувватлашини сўради. Ўғлим “Реал Мадрид”га мухлислик қилишини айтди. Унинг сўзларини тинглаб, бу энди мухлислик эмас, фанатизм эканини айтдим. Ахир ватандошлик ва ватанпарварлик бир-бирига боғлиқ туйғу. Биз ҳар қандай вазиятда ҳам, аввало, юртдошимизни қўллаб-қувватлашимиз керак. Шу орқали ватан шаънини юксалтиришни ўрганаемиз. Бу фикрларни ўғлимга босиқлик билан тушунтиришга уриндим.

Шу тариха ўғлим Ўзбек тилининг изоҳли лугатини варақлади. Унда фанатизм бирор мафкурага кўр-кўрона эргашиб эканини, ватанпарвар эса ўз юртини севадиган ҳамда шунга муносиб иш қиладиган шахслигини билиб олди. Бу сўзларнинг маъносини билиши билан бирдангина ватанпарвар бўлиб қолди, дейишдан йироқман. Аммо яна шундай танлов қаршисида қолганда жиддий ўйлаб, тўғри қарор қаиришини ишонаман. Чунки тарбиянинг йўғини, жамиятнинг янгиликни, юксалиб бориши худди шундай кичик, аммо ҳал қилишга қодир ҳодисалар орқали рўй беради.

Давлат дастуридаги ҳар битта вазифа, жиҳатда бир қарашда мана шундай кичик кўринадиган, аммо янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қиладиган катта ва муҳим мақсадлар мужассам.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бугуннинг гапи

Ташаббусли бюджет:

МАСАЛАЛАР ЕЧИМИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИ МУҲИМ

Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз ташаббуси билан “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилгани аҳоли турмуш тарзи учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқлари қуриш, таъмирлаш билан боғлиқ ишларни жонлангирди. Бу жараёнга одамлар бефарқ эмас. Фуқаролар бюджет маълумотлари билан танишиб бориш баробарида мазкур жараёнда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Риштон туманидаги “Мевазор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3,5 километр ички йўл “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи мавсумида 5000 дан ортиқ овоз тўплаб ғолиб бўлди. Бу ерда умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмликдан ортиқ бунёдкорлик ишлари бажарилди.

— Маҳалламиздаги асфальтланган кўчаларни ободонлаштириш, ўзбошимча қурилиш, чиқинди ташлаш ва оғир техникалар ҳаракатига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурали Отақўзиев. — Чунки лойиҳамизни қўллаб-қувватлашда барчанинг ҳиссаси бор. Бу сай-ҳаракат янги йўл, сув тармоқлари, газ, электр манбаларидан мақсадли ва узоқ вақт фойдаланиш имконини бермоқда. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг жорий йил биринчи мавсумида ҳудудимиздаги 36-мактабгача таълим ташкилотини таъмирлаш, кичкинтойлар учун муносиб шароит яратиш бўйича таклифларимизни ҳимоя қиламиз.

Учкўприк туманидаги “Машад” маҳалла фуқаролар йиғини ахлининг ички йўллари таъмирлаш, транспорт ва аҳоли ҳаракати учун қулай шарт-шароит яратиш боради қилган муражаати йиллар давомида эътибордан четда қолди. Узоқ йиллардан буён таъмирланмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган ички йўллар ёзда чанг, ёғингарчилик кунлари лойга беланиб ётарди. Фуқаролар Нормухаммад Носиров ҳамда Ойбек Абдурахимовнинг Машад ва Бойтумор қишлоқ йўлларини таъмирлаш



юзасидан билдирган таклифи “Очиқ бюджет” порталида 43 мингдан ортиқ овоз тўплаб ғолиб бўлди. Бу ерда умумий узунлиги 5 километрдан зиёд ички йўл таъмирдан чиқарилди.

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос катта-кичик муаммолари бор. Ички йўллари таъмирлаш, ичимлик сув тармоғи тортиш, электр ва газ таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш масалалари ҳаминша долзарб бўлиб келган. Энди масалалар ечимига қаратилган шаффоф тизим камчиликларни аниқлаш билан бирга, уларнинг ечимига эътиборни оширди.

— Аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун керакли масалалар ечимида бевосита фуқаролар иштирок этаётгани маҳаллий бюджет маблағини ҳолис ва шаффофлик асосида аниқ мақсадлар сари йўналтириш имконини бермоқда, — дейди Фаргона вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зафаржон Рўзалиев. — “Ташаббусли бюджет” жараёнининг ўтган йилги биринчи ва иккинчи мавсумида аҳоли билдирган таклиф ва энг кўп овоз тўплаган 477 та лойиҳага умумий қиймати

614 миллиард 957 миллион 900 минг сўм маблаг йўналтирилган. Булар умумий ўрта ва мактабгача таълим, тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, қуриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ичимлик ва оқова сув тармоқларини янгилаш, электр таъминоти сифатини ошириш, ички йўллар, пиддалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар, тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, маҳалла гузарлари, болалар ўйингоҳлари, аҳоли дам олиш масканлари, ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ лойиҳалардир.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш тарзи учун муҳим ижтимоий, иқтисодий масалаларга ажратилаётган маблағлар бевосита солиқ тўловчиларнинг таклифи ва иштирокида амалга оширилаётгани нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, оғирини энгил, узоғини яқин қилиш имконини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Каровсиз ернинг унумдорлигини ошириш, фойдаланилмаётган ҳудудларни ўзлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экспорт ҳажминини ошириш бугуннинг муҳим масаласидир. **Замонавий ва қулай иссиқхоналар ташкил этиш эса мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратишда катта аҳамиятга эга. Бозорларимизнинг тўрт фаслда ҳам дармондорига бўй, янги узилган сабзавот билан тўкин бўлишида иссиқхоналарнинг ўрни алоҳида.**

“Green Planet Export” МЧЖ ўтган йили Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани Қўрсой маҳалласидаги банк томонидан гаровга олинган 16 гектар майдонни “E-auction” платформаси орқали сотиб олган эди. Тадбиркор 14 йилга имтиёзли кредит асосида 25 миллиард сўмга баҳоланган мазкур жойнинг 6 гектарида экспортбоп кўкатлар етиштиришни йўлга қўйди. Шунингдек, 50 дан ортиқ фуқарони иш билан таъминлади. Қолган ерда эса иссиқхона қурди.

— Иссиқхонага ўтган йил сентябрда руқола, шпинат, мангольд каби кўкатлар уруғини сепган эдик, — дейди корхона таъсисчиларидан бири Гулрух Муҳаммадхонова. — Бу ерда етиштирилган кўкатларни Россияга 5 миллион доллар қийматида экспорт қилиш бўйича шартномамиз бор. Одатда даромад йил якунида ҳисоб-китоб қилинади. Кўкatchилиқда бу давр июнь-июль ойларига тўғри келади. Йил боши эса октябрь ойи саналади. Ҳар 30 кунда етилган маҳсулотларни йиғиб оламиз. Энг муҳими, бу маҳсулотлар иссиқхона талабчан эмас. Иссиқхона иқлими 5 даража совуққа тушиб кетмас бўлгани, кўкатларни совуқ урмайди. Бироқ ўсшдан тўхтайтиди.



ИССИҚ ТАФТ МЕВАСИ



кўрсаткич 15 та корхона томонидан 104,8 фоиз бажарилди. Ўз навбатида, 93 миллион 116 минг долларлик саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.

Жойлардаги 8 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиши туфайли туман бўйича улар сони 80 тага етди. Худудий инвестиция дастурлари доирасида 752,6 миллиард сўмлик 37 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1514 та янги иш ўрни очилди. Айниқса, тумандаги экспортчи корхоналар томонидан йирик иссиқхона тармоқларида сабзавот маҳсулотлари ва кўкатлар етиштириш анча ривожланди.

Туманининг “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият юритаётган “Toshkent logistics” МЧЖнинг 7 гектарли иссиқхонаси бор. Лойиҳа бўйича 2021 йилда 945 минг доллар маблаг ажратилиши туфайли иссиқхонанинг биринчи блоги ишга туширилган эди. Кейинги йилларда бу жараён яна ҳам тезлашди.

— Ҳозир бизга ажратилган кредитнинг 30 фоизини қопладик, — дейди корхона бош ҳисобчиси Рустам Шомуродов. — Айни пайтда 80 ишчи меҳнат қилипти. Авваллари талабга қараб қўлчилик билан ҳам шуғулланганмиз. Бугун эса помидор етиштиряпмиз. Маҳсулотларимизни ички бозор билан бирга хорижга ҳам сотаяпмиз. Хусусан, ўтган йил 80 тонна помидорни савдога чиқардик. Ички бозорда маҳсулотимизнинг бир килоси 14 минг сўмдан 21 минг сўмгача баҳоланяпти. Жорий йил маҳсулотимиз ҳажминини янада ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

Қўрсой Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Улугбек Пулатовнинг таъкидлашича, 2025 йилда худудий инвестиция дастурига кўра, 21 та корхона ташкил этиш белгиланган. Уларнинг умумий лойиҳа қиймати 1 триллион 623 миллиард сўм бўлади. Шу асосда очилаётган янги иш ўринлари сони 1663 тага етказилади.

Нигора ЎРОЛОВА,
журналист

Томорқачилик

Жорий йил 30 январь кун давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган йиғилишда томорқа ва деҳқончилик ерларида юқори даромадли экинлар етиштириш бўйича янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, Денов туманидаги Тасмасой маҳалласида 875 та хонадон томорқасида цитрус мева кўчати ва лимон етиштириб, ҳар бири йилига 200 миллион сўмгача даромад олаётгани, Сарисой ва Олтинсой туманларидаги мингдан зиёд хонадон ҳам “ҳандақ” ва “термос” усулида лимон етиштириш ташаббусини билдиргани баён этилди.

Сурхон воҳасида аҳоли турмуши фаровонлигини янада оширишнинг муҳим омил бўлган шахсий деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтаришга жиддий киришилган. Хусусан, томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар асосида Олтинсой туманида ҳам салмоқли ишлар қўйилмоқда. Худудда бугунги кунда 31 минг 671 та хонадон бўлиб, уларга қарашли жами экин майдонлари 2361 гектарни ташкил этади. Шундан 160 гектари айнан иссиқхоналардир.

— Сурхондарё вилоятида, жумладан, Олтинсой ва Денова аҳолининг шахсий деҳқон хўжалиқларидан самарали фойдаланиши учун кўп қулайликлар яратилмоқда. Айниқса, бу йўналишда қабул қилинаётган қатор қарор ва фармонлар соҳани янада ривожлантиришда самара беришти, — дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаллари кенгаши Олтинсой тумани бўлими мутахассиси Исмоил Боймуров. — 30 январь кун томорқачи ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича ўтказилган



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

РЎЗБОРГА ҲАМ БОЗОРГА ҲАМ АТРОФ-МУҲИТГА

Фойдали машғулот

видеоселектор йиғилишида ҳам шахсий деҳқон хўжалиқлари учун кўплаб имтиёзлар берилди. Бу эса айни йўналиш янада ривожланишига янги эшиклар очди. Шунингдек, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жағмағамаси томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит-ришда ҳам билим, ҳам ҳаётий тажриба зарур бўлади. Айниқса, Олтинсой сингаги қишлоқ хўжалигида янгидан янги ўзгаришлар энди-гина кириб келаётган туманларда, — дейди Ақром Турдиев.

Миришкорнинг айтишича, аҳоли томорқасидан унумли фойдаланишга эътибор кучайтирилаётгани йилнинг тўрт фаслида ҳам арзон ва сифатли мева-сабзавот етиштириш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Мингчинор маҳалласида яшовчи Турдиевларни кейинги йилларда туманда ишнинг кўзини биладиган уста миришкорлар сифатида танишаётгани бор гап. Бунга сабаб эса томорқадан самарали фойдаланишнинг ҳадисини олгани.

— Деҳқончиликда ҳикмат кўп. Бундан узоқ бўлмаган йилларда Мингчинор, Хўжасоат маҳаллалари тошқоқ, сайноқ жой, ҳисоғ битмайди, деган гаплар юрарди. Ҳозир эса бу маҳаллаларда етиштирилаётган маҳсулотлар шу ернинг ўзидан пешма-пеш хорижга жўнатишмоқда, — дейди хўжасоатлик Абдурауф Абдуллаев. — Масалан, тумандаги Турдиевлар оиласининг цитрус мева парваришlash борасида ўз қарашлари, сизу бизга илинадиган тажрибаси бор. Улар ўз иссиқхоналарида 1200 дан ортиқ лимон,

200 дан зиёд маңдарин, 100 га яқин апельсин дарахтидан яхшигина ҳосил оляпти. Эътиборлиси, бу хонадон эгалари кўчатлар ҳосилга киргунча оралиқ экинлар экади. Шу кунларда уларнинг томорқачилиқдаги тажрибасини ўрганиш билан машғулман.

Хонадоннинг ёши улуг миришкори Абдумурод бобо Турдиев лимончилик сирасорларини фарзандларига ўргатиб боришни қанда қилмайди. Уларни ҳаёли меҳнат қилишга, оиласига сadoқатли бўлишга ўргатган. Фарзандлар ҳам ота изидан бормоқда. Эътиборлиси, улар қурган иссиқхоналарда томчилик сурғиш технологияси йўлга қўйилган.

— Бу сурғишнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини тежашда намоён бўлади. Деҳқончиликдан қилинган даромадимиз эса янгидан янги лойиҳаларни

амалга оширишда қўл келмоқда. Хусусан, музлаткич омборхона ҳам қурдик. Давлатимиз раҳбарининг йиғилишини телевизордан кузатдик. Енгилликлар, имтиёзлар янада кўпайишни эшитиб, белни маҳкам боғлаб, яна ишга шўнғиб кетдик, — дейди томорқа ер эгаси Ақром Турдиев.

Денов туманидаги Тасмасой маҳалласи аҳолиси ҳам томорқачилиқда салмоқли натижаларга эришмоқда. Маҳаллада 1103 та хонадон мавжуд бўлиб, 6414 киши истиқомат қилмоқда. Худудда бугунги кунда 412 та ихчам

иссиқхона бўлиб, ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу ерлик одамларнинг қадимдан наботот оламига меҳри бошқача, шу боис, драйвер соҳа сифатида гулчилик, кўчatchилик белгилаб олинган. Маҳаллага кириб келишингиз билан яшилликдан кўзингиз қувнайди, танангиз кислородга тўйинади. Худуддаги аксарият хонадонларда манзарали, мевали гуллар кўчатлар парваришланади. Мазкур фаолиятдан келаётган даромадининг эса чўғи анча баланд. Шу маҳаллада яшовчи Олим Бойкулова деҳқончилик отамерос. У ўз хонадонидан бир нечта иссиқхона қурган. Бунинг ортидан бугунги кунга келиб, омилкор деҳқон цитрус мевалар етиштириш ҳадисини олган.

Киш бўлишига қарамай, унинг иссиқхоналарида цитрус дарахтларнинг меваси

шода-шода бўлиб турибди. Лимон, апельсин, маңдарин каби дарахтлар, бошқа манзарали кўчатлар кўкча бўй чўзган. Хуллас, ўзингизни гўёки тропик ўрмонга тушиб қолгандек ҳис этасиз.

— Томорқадаги ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш рўзгорга наф келтиришнинг самарали усули. Бундан ўзингиз ҳам, кўни-кўшни, юрт бозори ва жамият ҳам фойда кўради, — дейди тасмасойлик Олим Бойкулов.

Ҳақ гап. Мамлакатимизда томорқачиликни ривожлантириш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Мана шундай меҳнат билан киши ўз турмуш фаровонлигини таъминлабгина қолмай, бозорлар тўқинлиги, экология мусофоллигига ҳам ҳисса қўша олади. Олим Бойкулов каби узоқни кўра оладиган тадбиркор боғбонлар фаолияти бунга яққол мисол.

Сурхон воҳасининг иқлим шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эрта етиштириш имконини беради. Киш чилласида ҳам дала майдонлари ва аҳоли томорқаларида муддатидан аввал пишиб етилган маҳсулотлар маҳаллий бозорларга улзуксиз етказилапти.

Тасмасой аҳли вакиллари иссиқхоналар қуриб, уларда киши мавсумда ҳам талаб юқори маҳсулотларни етиштириб келмоқда. — Фуқароларнинг ерга муносабати йилдан йилга ўзгариб бормоқда. Айниқса, давлат томонидан улзуксиз равишда қўллаб-қувватлов бўлгани бунга замин яратяпти, — дейди “Тасмасой” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Жўрабек Тўраев. — “Маҳалла еттичилиги” вакиллари билан хонадонларда бўлиб, иссиқхона шароитида деҳқончилик қилишини афзаллигини тушунириб келяпмиз. Натижалар эса ижобий. Ҳозир Тасмасой маҳалласи драйвер соҳа ривожига бўйича энг илгор маҳаллага айланган улгудир.

Энди маҳаллалар бўйлаб ҳаётий тажрибага эга деҳқонларни жалб қилган ҳолда медиатурлар ташкил этиш, томорқасидан энг самарали фойдаланган оилаларни рағбатлантириш механизмининг жорий этиш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди. Албатта, бу ташаббуслар мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланишга замин яратиб, аҳоли даромадини оширишга хизмат қилади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ДУАЛ ТАЪЛИМ:

ЎЗИНИ ОҚЛАЁТГАН ТАЖРИБА



Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бета

Ўзбекистонда дуал таълим тизими яқин йиллардан буён жорий этила бошлади. Вазирлар Маъжасининг 2021 йил 29 мартдаги “Профессориал таълим тизимини дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди. Бу тизим, асосан, ишлаб чиқариш соҳаларидаги мутахассисларни тайёрлаш учун самарали модель сифатида кўрилади, турли ўқув муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиши билан боғлиқ катта аҳамиятга эга. Дуал таълимнинг мақсади иш берувчилар эҳтиёжларига мос равишда мутахассислар тайёрлаш ҳамда ўқувчиларнинг ишга жойлашиш имкониятларини оширишдан иборат.

Хўш, бу борада мамлакатимизда қандай ишлар қилиняпти? Натيجалар қоникарлими? Яратилган тизим самарасини бераптими? Шу саволлар билан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маъсуллари билан боғландик.

— Дуал таълимни ривожлантириш бўйича тизимда қўлаб кўриш амалга оширилмоқда, — дейди вазирлик ахборот хизмати раҳбари Назоқат Абдуқундузова. — 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб талабаларда амалий кўникмалар ва касбий компетенцияларни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқариш амалиётлари тақомиллаштирилди. Ушбу жараёнда 15 ҳафталик малакавий амалиётларни ташкил этиш белгиланган бўлиб, бу талабаларнинг назарий билимларини амалий жараён билан боғлашга қаратилган муҳим қадамдир. Мутахассислик-техника соҳада кадрлар тайёрлайдиган олий таълим

муассасаларнинг 45 та бакалаврият таълим йўналишидан бир-бирига яқин бўлган турдош таълим йўналишлари бириктирилиб, 32 та бакалаврият таълим йўналиши, шунингдек, 69 та магистратура мутахассислигидан бир-бирига яқин бўлган турдош мутахассисликлар бириктирилиб, 66 та магистратура мутахассислиги қолдирилди.

Тошкент давлат техника университети томонидан Германиянинг Дрезден техника университети ҳамда Япониянинг Нагоя университети дастурлари асосида мутахассислик таълим йўналишлари ўқув режаси йўналиш хусусиятига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Мутахассислик соҳаларида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари томонидан уларга бириктирилган корхона ва ташкилотлар базасида ўқув жараёни дуал таълим тизими асосида босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ушбу тизим бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил қилинган. Бу амалиётни ишлаб чиқариш жараёнлари билан янада яқинроқ боғлаш

янада тақомиллаштириш мақсадида “тармоқ — корхона — олийгоҳ” занжири асосида таълим ва ишлаб чиқариш интеграция қилинмоқда. Тошкент давлат техника



ва мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшади. Вазирлик тақдим этган маълумотларга кўра, мутахассис кадрларни тайёрлашни

университети халқаро тажрибалар асосида янги ўқув режаларини жорий этган бўлса, Бухоро мутахассислик-технология институти “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан ҳамкорликда

“Кибернефтгаз” мутахассислик мактабини очди.

Жумладан, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида 3- ва 4-курс талабалари учун ўқув жараёни дуал таълим тизими асосида йўлга қўйилди. Бу жараён таълим йўналишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда институтга бириктирилган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Таълимни тақомиллаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида Савдо-саноат палатаси, “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзчарманоат” ва бошқа уюшмалар таркибидида 20 дан ортиқ корхона билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Хўш, дуал таълим тизимини машғул қандай тартибда ўтказилади? Талабаларда вақт тақсими қай шаклда тузилган? Дуал таълим тизимига мувофиқ, ўқув жараёни икки қисмга бўлинади:

талаба 4 кун олийгоҳда назарий билимлар эгаллаш билан машғул бўлса, қолган 2 кун ишлаб чиқаришда амалий кўникмаларини шакллантиради. Бу ёндашув талабаларнинг назарий билимлари ва амалий тажрибасини уйғунлаштириб, меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Дуал таълимни ташкил этишнинг вазифалари қаторида ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўрта бўғин кадрларини тайёрлашни тақомиллаштириш ҳам бор. Бу ўз-ўзидан мазкур тизимнинг бутун мамлакат бўйлаб оммалашини эҳтиётга айлантиради. Хўш, вилоятларда ҳам айни тизим илчил йўлга қўйилаяптими?

Масалан, Бухоро давлат университети агрономия ва биотехнология факультети талабалари дуал таълим асосидаги

таълимнинг назарий қисмини университетда, амалий қисмини эса “Вихага Vapnet” хорижий корхонасида ўтказмоқда. Мазкур корхона Бухоро туманида жойлашган бўлиб, унга 30 йил давомида фойдаланиш учун 110 гектардан ортиқ ер ажратилган.

Бугунги кунда корхона томонидан умумий қиймати 100 миллион долларга яқин бўлган “Гидропоника усулида Туркия технологияси асосида замонавий ойнали иссиқхона барпо этиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бу ерда дуал таълимда ўқиётган талабаларга ташкилотнинг таълим дастурларига мувофиқ, амалий кўникма ва малакаларини эгаллаш учун иш ўрни яратилган. Бунда корхона, университет ҳамда талаба ўртасида дуал таълимни амалга ошириш учун ўзаро ҳамкорлик алоқалари бўйича тузилган шартнома асос бўлиб хизмат қилади. Таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмини ташкиллаштириш учун университет томонидан талабаларга устозлар ва малакали мутахассислар бириктирилган.

— Университетимизда ташкил этилган дуал таълимнинг асосий мақсади талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, улар томонидан танланган таълим йўналиши бўйича зарурий кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, ташкилот ва корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятининг ижобий тажрибасини ўргаништириш, — дейди Бухоро давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Рустам Жумаев. — Бу, шубҳасиз, талабаларнинг келажақдаги мутахассислиги бўйича қизиқишларини ривожлантиришга, яратувчанлик қобилиятини оширишга катта ҳисса қўшади. Кўзланётган

Истаъмизми, йўқми, бугунги даврда тирикчилик ҳам доллар масалага айланиб бормоқда. Ахир бозор иқтисодиёти шу, — дейди Рўзибой Ашурбоев. — Олийгоҳда ўқини азалдан орзу қилардим, лекин бунга шароитим бўлмади. Менга ўхшаганлар учун дуал таълим айни мудоа бўлди. Бир томондан, ўқини шунинг давом этгаверида, иккинчи томондан, мутахассислигини муккамал эгаллаб бораверасиз.

Дуал таълим шаклида мутахассис бўлиб еттишганлар бугун талайгина. Кувонарлиси, таълимнинг айни шакли оммалашиб бормоқда. Сабаби бунинг асосида замоннинг тезкорлик талаби мумжасам.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Мулоҳаза

Умумий ўрта таълим муассасаси директори мамлакатимизда ўқитиш соҳасидаги ислохотлар ижросини мактабда таъминлайдиган бошқарувчи шахс. Унда менежерлик кўникмаси, замонавий билим, юксак ахлоқий фазилатлар ва бошқарув тажрибаси бўлиши шарт.



Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мактаб менежери мунтазам етакчи ва таълим жараёнининг ташкилотчи сифатида бошқарув соҳасида яхши тайёргарлик кўрган бўлиши жуда муҳим. Унинг асосий вазифаларидан бири, албатта, ходимлар ўртасида ижобий муҳитни шакллантириш, сифатли мулоқот қобилияти ва усулларидан фойдаланган ҳолда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятни вазиятларни ҳал қилиш, ходимларни рағбатлантириш, кичик ютуғи учун ҳам эътироф этиш, уларга шахсий намуна бўлишидир.

Мазкур лавозимга номзодлар менежерлик сертификатини олиши учун Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида махсус дастурлар асосида ўқитилади. Ўқини яқини бўйича мактаб директори лавозимига номзодларнинг бошқарув соҳасига оид билим ва кўникмалари баҳоланади ҳамда натижаси бўйича менежерлик сертификати берилади. Институтда менежерлик ўқув курсларини ташкил этиш борасида қатор ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Жумладан, Сингапур, БАА, Австралия каби мамлакатлар

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ

ҚАЧОН БУ ЛАВОЗИМГА ЛОЙИҚ САНАЛАДИ?

тажрибасига кўра мактаб директорларини тайёрлашда касб стандартлари асос қилиб олинандиган бўлиб.

— Менежерлик курсларини ташкил этишдан олдин юртимизнинг барча ҳудудларида таълим сифати, директорларимиз салоҳиятини ўрганиш, — дейди Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг академик фаолият бўйича биринчи проректори Хушнамо Бурхонхўжаева. — “Бу курс директорга керакми? Агар керак бўлса нима учун?” деган саволга жавоб изладик. Умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандарти қатор бандлардан иборат. Булар — таълим менежменти, таълим муассасасини ривожлантириш ва ўқув-тарбия жараёнини бошқариш, ўзини ўзи ва ўқитувчиларни касбий ривожлантириш, инсон ресурсларини бошқариш, иш юритиш ва ҳисобот, жамоатчилик ва ота-оналар билан ўзаро муносабат/ҳамкорлик модулилари. Бугунги директор шу каби талабларга қай даражада жавоб бера оляпти? Жавоб бермаётган бўлса, уни ишдан бўшатилиш эмас, балки талаб даражасида тайёрлаш бош мақсадимизга айланади. Урганишлар натижасида бу талаблар бўйича директорлар тушунчага эга экани, аммо ишни аниқ тартибда ташкил қила олмаётгани ойдинлашди. Яъни аниқ механизм йўқлигига гувоҳ бўлдик. Урганиш ва таҳлилий маълумотларга асосан менежерлик ўқув курслари учун ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқилди. Унда бевоСИТА умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандартига таянилди.

2024 йил февралда илк бор менежерлик ўқув курслари иш бошлади. Дастлаб ушбу курсларга директор лавозимига номзодлар ўқитилди. Номзодларни ўқитишга устуворлик беришдан асосий мақсад бўш турган мактаб директори лавозимига муносиб кадрлар тайёрлаб бериш эди. Бу, ўз навбатида, ушбу мактаблар фаолиятига алоҳида эътибордан далолат.

— Институтда раҳбар кадрлар тайёрлаш ва захирасини шакллантириш мақсадида менежерлик ўқув курсларига бугун manager.uz электрон платформаси орқали номзодлардан аризалар қабул қилинмоқда ҳамда 2024 йилда 2698 номзод ва директор ўқитилди, — дейди Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат

миллий институти бош мутахассиси Элдор Худойбердиев. — Шундан 1680 нафари номзодлар, 1018 нафари эса амалдаги директорлар. Синов натижаларига кўра, 1314 номзод, 767 амалдаги директор ўқув курсини муваффақиятли якунлаган ва менежерлик сертификатини олган. Ўқув жараёни бир ой давом этди. Дарсларни олий таълим, илмий-тадқиқот, шунингдек, хусусий ва

2024 йил февралда илк бор менежерлик ўқув курслари иш бошлади. Дастлаб ушбу курсларга директор лавозимига номзодлар ўқитилди. Номзодларни ўқитишга устуворлик беришдан асосий мақсад бўш турган мактаб директори лавозимига муносиб кадрлар тайёрлаб бериш эди. Бу, ўз навбатида, ушбу мактаблар фаолиятига алоҳида эътибордан далолат.



хорижий олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, таълим ташкилотларининг тажрибали раҳбар ходимлари ўтди.

Дастлаб тренерлар рўйхати шакллантирилди. Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкент халқаро Вестминстер университети тренерлари билан ҳамкорликда уч кунлик тренинг ташкил қилинди. Бу етарли эмас эди. Чунки менежерлик ўқув курсларида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларнинг тренерлик кўникмаларини ривожлантириш орқалигина сифатли таъминлаш мумкин. Шу сабабли ўқув жараёни давомида халқаро тренерлар билан ҳамкорликда ишланди. Директор ишини тизимга солиб бериш жуда муҳим. Тренерлар олдида бу борада қатъий талаб қўйилди. 2024 йилнинг февралда сараланган тренерлар билан иш бошланди. Номзодларни директорликка тайёрлаш баробарида амалдаги мактаб раҳбарларининг малакасини ошириш ҳам назарда тутилди.

— Табиийки, тизимга жорий қилинган ҳар қандай дастур қабул қилинган фикри асосида тақомиллаштирилиши. Директорлар билан гаплашганимизда билимини ошириш кўникмасига кўпроқ эътибор берганими таъкидланди, — дейди Хушнамо Бурхонхўжаева. — Зеро, бугун ижтимоий тармоқларда ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги зиддиятлар кўп тилга олинмоқда. Номзодлар эса кўпроқ ўқитувчи, ота-оналар билан ишлаш, муомала сирлари, муаммолари вазиятларда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида сўради. Австралия, БАА, Буюк



Британия, Сингапур тажрибасини ўргана боладик. 2024 йил ёз ойлариди сингапурлик ҳамкорлар келиб, директорларга алоҳида курс ўтиб берди. Вазият болаларнинг билим олишига эътибор қаратиш билан бирга қизиқишини ошириш, ҳиссий ҳолатини ўрганиш ва қўлаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатди. Директор шунчаки бошқарувчи эмас, балки таълим мазмуни ичиндаги одам бўлиши кераклиги, ҳар бир ўқитувчининг қўлидан тутиб, “Қаерда қийналясан? Мен ёрдам берман”, дейдиган, раҳбар эмас, балки кўмақдош, елкадош бўлиши кераклигини тушундик. Бу бизни руҳлантирди, тажрибани менежерлик ўқув дастурига “Таълимда етакчилик ва ўзгаришларни бошқариш” номли алоҳида модуль қилиб киритдик. Бундан ташқари, ўқув дастурига “Директор мураббий сифатида” деган мавзунинг ҳам қўшилди. Бу мавзуда университетни энди битириб, мактабга ишга келган ёш ўқитувчининг катта ўқитувчига айлантиришда директорнинг вазифаси аниқ таъкидланган. 2025 йилги ўқув курсларида бу ҳам ўз ифодасини топган. Жараёнда мактаб директори лавозимининг шахсий саволининг ўз зиммасига олиши, ходимлар маҳорати ва касбий малакаси янада ўсишига имконият яратиши, камчиликлари ва муваффақиятсизликларига ҳолисона ёндашувига эътибор қаратилди.

Уқини давомида ҳам назарий, ҳам амалий кўникмалар оширилмоқда. Амалий кўникмани ошириш учун тингловчиларга Тошкент шаҳридаги энг тажрибали директорлар бириктирилди. Уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш орқали илгор тажрибаси ўргатилди. Масалан, мактаб директори лавозимини таъминлаш орқали, Шайхонтоҳур, Сергел тўғрисидаги умумтаълим муассасаларида, Ибн Сино ва Мирзо Улуғбек номидаги иттихослаштирилган мактабларда амалиётни ўтказди. Номзодлар эса Янгиҳаёт туманидаги 329-, Олмазор туманидаги 133- ва 191-, Чилонзор туманидаги 200-, Яқкасарой

туманидаги 26- ва 91-, Учтепа туманидаги 81-мактабларда, шунингдек, пойтахтимиздаги бошқа қатор намунали мактабларда билим ва тажрибасини синовдан ўтказди.

— Менежерлик курсида ўқини олдин мактаб раҳбари сифатида ўзининг ҳар қандай масалага фақат илмий ёндашадиган, беқор юрган ўқувчиларга танбех берадиган, вазифани бажармайдиган устозларга қаттиққўллик қиладиган раҳбар сифатида билардим, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманидаги 27-мактаб директори ўринбосари Шаҳзодабек Рустамов. — Лекин менежерлик курсида ўқигач, янгиликка интилувчан, ҳар қандай янгиликни осон қабул қила оладиган, ўзгаришнинг ўзидан бошлайдиган ва яхши ишлаётган муаллимларни рағбатлантириб, руҳлантирадиган раҳбар сифатида кўрдим.

Курс тингловчиларидан Севара Қаршибоевнинг фикрича, менежерлик ўқув курси билим, салоҳиятни яна бир бор синовдан ўтказиш имконини берди.

— Икки ҳафта амалий тадқиқот ўтадим. Бунда ўзимга мақсад, вазифа, ҳулоса, чора-тадбирлар белгилаб олдим. Ўқини давомида менга асосан таълим менежменти модули маъқул келди. Жараёнда биз менежер ким, қандай бўлиши, мактабни қайси тамойиллар асосида бошқариши керак, олдида қандай мақсад ва вазифаларни қўйиб олиши лозимлигини ўргандик. Бу келгусида самара беришига ишончим комил, — дейди у.

Махсус тайёргарликдан ўтган ва менежерлик сертификатига эга номзодгина директорлар бириктирилди. Уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш орқали илгор тажрибаси ўргатилди. Масалан, мактаб директори лавозимини таъминлаш орқали, Шайхонтоҳур, Сергел тўғрисидаги умумтаълим муассасаларида, Ибн Сино ва Мирзо Улуғбек номидаги иттихослаштирилган мактабларда амалиётни ўтказди. Номзодлар эса Янгиҳаёт туманидаги 329-, Олмазор туманидаги 133- ва 191-, Чилонзор туманидаги 200-, Яқкасарой

Малайзияликлар

ЎЗБЕК КУЛОЛИДАН ХУНАР ЎРГАНЯПТИ

Ифтихор

Узоқ тарихга эга ўзбек кулолчилиги бугун ҳам ажойиб анъаналари, шакл ва услубини сақлаб келяпти. Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хоразм кулолчилик мактаблари бир-бирини такрорламаслиги эса худудлараро ўзига хосликдан сўзлайди. Айни пайтда лойдан ясалган сопол буюмлар ҳар бир хонадон, идора ва ташкилотларда кенг тарғиб қилиняпти. Шунингдек, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, чет эллик кулоллар билан ҳамкорликка эътибор ҳам янги босқичга кирди.

Яқиндагина Малайзиянинг туризм шаҳри Кучингда ўтказилган “Borneo Craft Global” (BCG) “Expo & Conference” фестивалида шахрисабзлик Рустам Музаффаров Ўзбекистон томонидан қатнашиб қайтди. Сулоланинг еттинчи авлод давомчиси бўлган ёш кулол ижодий маҳсулотлари намойишидан ташқари “Мактабгача ва мактаб таълимида анъанавий кулолчиликнинг ўрни” мавзусида маъруза қилди.

Хунарманд кулолчиликни мактабга дарс сифатида киритиш лойиҳасини кўлаб мамлакатларда тарғиб қилияпти. У Тошкентдаги “Invento international school” халқаро мактабда кулолчилик сирларидан сабоқ беради. Лойиҳа доирасида қарий беш йилдан буён ўтаётган машғулотлари ота-оналарга маъқул бўляпти. Эътиборлиси, кулолчиликнинг бола кўл моторикасига фойдали экани хорижликларни ҳам қизиқтира бошлади.



қатнашчининг кулоллик иши бўлди. У керамикадан 1,5 минг градусда қиздириб асаган тақинчоқларини маҳорат билан териб чиқди. Тўғри, Малайзияда лойдан тақинчоқ ясаш санъати бор. Лекин бир ҳафтада бажариладиган ишни уч соатда яқинлаш таҳсинга сазовор, албатта. Қолаверса, унинг саволларимга берган жавоби ҳам рақибларидан анча устунлигини кўрсатди. Танлов талабларига тўлиқ жавоб бергани учун ҳам мезбон иштирокчи голибликка муносиб кўрилди. Менга эса халқаро тоифадаги ҳакам сертификати берилди, — дейди Рустам Музаффаров. — Турфа давлатлардан келган иштирокчилар орасида алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга муносиб кўрилганини халқимизга, ватанимизга кўрсатилган эътибор деб қабул қилдим. Юртимизда хунармандларга ҳозирдаги шароитлар яратиб берилмаганида бундай натижага эриша олмасдик. Шу ўринда жамомнинг беминнат ёрдамидан ҳам миннатдорлигини айтишим керак. Ушбу тадбир сабаб яна кўп-кўп давлатларга таклиф қилиндим. Бироқ уларнинг барчасига розилик бериш имкони йўқ. Чунки юртимиздаги болажонлар билан кўпроқ ишлашимиз, мамлакатимизнинг ўзида ҳам лойиҳамизни кенг тарғиб қилишимиз керак.

“Малайзияда халқаро тоифадаги ҳакам бўлдим”

— Фестивалнинг учинчи куни танлов бошланди. Не ажабки, мени ҳам ҳакамликка таклиф қилишди. Уч юзга яқин қатнашчи орасидан саралаб олинган 10 иштирокчининг уч нафарига фахрий ўрин беришимиз керак. Французлик дизайнер дўстимиз, Филлиппиндан профессор Ванг хоним билан бирга ишга киришдик. Энг қизиги, учала ҳакам уч иштирокчини 1-ўринга муносиб деб топдик. Бироқ бир киши қолиши керак. Танлаш жуда қийин кечди. Чунки иштирокчиларнинг барчаси профессионал ишлади. Менга энг ёққани малайзиялик



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
Бош муҳаррир:
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Зиёрат туризми

Айни кунларда Хисор тоғлари оппоқ қорга бурканган. Олисдан қараганда ажиб кўринишга эга пурвиқор чўққилар яқинлашганингиз сари тобора ҳайбат касб этиб бораверади. Имкони бўлса, шу тепаликларга чиқиб, табиат мўъжизаларини томоша қилгиниз келади. Неча минг йиллик тарихга гувоҳ тоғу тошлар қатигадаги яширин сирларни англашга интилади одам. Бунинг учун шижоат бўлса бас. Аслида, чет элма-чет эл юрмиш ҳам шарт эмас. Юртимиздаги бетакрор манзиллар, табиат инъом этган мўъжизалару буюқ алломалар кўнин топган маконларни бир бориб кўрган афзал. Шунда нимани ҳам томоша қилардим, дегувчилар ҳали кўп нарсаларни кўрмаганини англайди. Биз сўз юритмоқчи бўлган манзил ҳам кўпчилик учун қизиқ.

Борадиган жойимиз анчагина олис эди. Киш фасли бўлишига қарамай, ҳеч иккиланисиз йўлга чиқдик. Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Кўпдан буён боришга ҳозирланиб юрган бўлсак-да, яқинда ўша худудда Али Қушчи ҳам яшагани ҳақида эшитиб, сафаримизни эртарақ бошлашга қарор қилдик.

Йўлга тушдик. Ҳали борадиган жойгача анча масофа бор. Лекин шу томон кўз тикиб қарасак, баланд оппоқ қорли чўққилар анча яқин кўринади. Аста-секин машинада юқорилаб борарганимиз, гўё тоғлар ортага сурилиб бораётгандек... Боз устига йўлнинг абгор ҳолати хавотиримизни оширмақда. Аслида, ҳеч бир жойда бундай муаммога дуч келмаётгандик. Анча масофа босиб ўтилагач, икки томони баланд тепаликлардан иборат, уйлари пасту баландликда қад ростлаган қишлоққа кириб бордик. Ҳамроҳим ҳайратини аширолмасди. Хув юқорида маҳорат ила қурилган иморатга термилиб қолди. Яна бир оз юрилгач, арчаларга кўзимиз тушди. Улар худди тоққа келётган меҳмонларни кутиб олаётган мезбон каби турарди. Сал вақтдан сўнг йўл четига доғ кўрина бошлади. Шундан манзилга яқинлашиб қолганимизни англадик. Сабаби осмонлар чўққилар тобора яқин кўриниб қолганди.

Башир қишлоғига кириб келдик. Йўлнинг чап тарафида “Ҳазрати Башир зиёратгоҳи” деб ёзиб қўйилган. Дастлабки ишни зиёратдан бошладик. Баланд тепаликда кичик мақбара қад ростлаб турибди. Зина-отидан сўнг шу ерга қўйилган. Лекин ҳасаси ерга қадалганча қолган. Бир оз вақт ўтиб, кўкариб чиққан. Ҳозир ҳам яшилликка бурқаниб турибди. Бу энди бир афсона. Атрофдаги писталарни ҳам ўз кўли билан эккани

Али Қушчи ЯШАГАН МАНЗИЛ

САЙЁҲЛАРДА ҚИЗИҚИШ КУЧЛИ, АММО...



айтилади. Шу боис, бу дарахтларнинг ёши анча йилга бориб тақалади. Пистазордаги буталарга кўз югуртирган киши булар ҳақиқатан неча асрларга гувоҳ бўлганини англаши мумкин. Дарахтлар сони 200 дан зиёд. Собик иттифоқдан олдин ушбу боғдан яхшигина ҳосил олинган. Аммо бир вақтлар боғ эътиборсиз қолдирилган. Дарахтлар ҳосил бермай қўйган. Вақт ўтиб, юрға истиқлол нафаси кириб келгач, боғ қайта гулга кириб, мўл ҳосил бера бошлаган.

Ривоятларга кўра, Амир Темур катта эҳтиром кўрсатган илм соҳибларидан бири Сайид Нейматуллоҳ Самарқанддан тоғ орқали ошиб, Кеш томон йўлга тушади. Бошпана топиш истагида Косатарош қишлоғига кириб бораркан, уни Хўжа Ҳасан деган киши бошлиқ бир гуруҳ одам кутиб олади. Шундан сўнг олим Хўжа Ҳасанининг уйида меҳмон бўлади. Орадан икки-уч кун ўтгач, Сайид Нейматуллоҳ қараса, ёши бир жойга бориб қолган мезбон барча юмушларни ўзи бажариб юрган бўлади. Бундан ажабланиб сўраганида, уй эгаси фарзанд-сиз эканини айтиб, кўзига ёш олади. Шунда меҳмон Яратганга илтижо қилиб, Хўжа Ҳасанга фарзанд беришини сўрайди. Шу воқеадан бир йил ўтиб, хонадонда ўғил дунёга келади, унга Башир деб исм қўйилади. Воёга етган, ўғлон илм ўрганишга кўпроқ вақт сарфлаб, асосан, тоғда яшашига, дарадаги дарахтлар меваси, деҳқончилик экинлари билан кун кечиршига одағланади. 35-40 ёшларга етганида илмининг шуҳрати теварак-атрофга ёйилиб, ўша даврда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган Мирзо

Улугбекнинг қулоғига ҳам чалинади. Баъзи манбаларга кўра, подшо Самарқанд хирокнинг бир қисмини Ҳазрати Баширга юбориб тургани айтилади. Аллома эса хирокни масжид қурилишига ишлатди. Улугбек вафотидан сўнг шогирди Али Қушчи Ҳазрати Баширнинг олдида келади. У даврда тоғ бағридаги Қизилқо тепалигинидаги горда яшаётган Ҳазрати Башир меҳмонни яхши кутиб олади. Муайян муддат шу ерда яшаб қолиши учун шароит қилиб беради. Ҳозир ҳам сақланиб қолган горда Али Қушчи беш-олти йил яшагани айтилади. Кейинчалик Самарқанддаги нотинчликлар сабаб олим бу ерни ҳам тарк этишга мажбур бўлган. Қишлоқ одамларининг айтишича, горда ювниш, таҳорат қилиш учун махсус хоналар мавжуд. Шу билан бирга, сув идишлари, китоб ва шам-чироқлар қўйиш учун гор деворида алоҳида тоқчалар ўйиб ишланган. Иккита бўлмадан иборат гордаги ҳолат аслича турибди. Ҳозир бу худудда Али Қушчи номи билан аталадиган қишлоқ бор.

— Кунлар исий бошлагач, зиёратгоҳга бир кунда юзлаб меҳмон келади, — дейди “Башир” МФЙ раиси Тўйчи Муродов. — Ҳатто чет эллик сайёҳлар ҳам келиб туради. Қишлоғимиз ўзига хос тарихий маскан. Ҳар бир тоши ортида сир бор. Тоғли худуд бўлгани билан ҳали ўрганилмаган жойлари жуда кўп. Шу боис, бу тошлар орасида қанча очилмаган сир ётганини билмаймиз. Изланишлар олиб борилса, эҳтимол, Улугбек хазинасига оид, Али Қушчига тегишли айрим манбалар, китоблар топилиши ҳам мумкин.

Кўп-кўп одам келишига қарамай, зиёратгоҳда меҳмонлар учун керакли шароит яратилмаган. Маҳалла раисининг айтишича, жорий йилдан хизматлар сифатини оширишга жиддий эътибор қаратила бошлаган. Жумладан, тадбиркор Баҳодир Кенжаев ташаббуси билан қишлоқнинг ўзиде 40 кишилик меҳмон уйлари барпо этилибди. Бундан ташқари, маданий ҳордиқ чиқариш учун дарё ёқасида дам олиш маскани қурилмақда. Кейинги лойиҳада катта сингмага эга меҳмонхона қуриш режалаштирилган.

Иқтисодиёт ривожига катта ҳисса қўшадиган туризмни ривожлантириш учун юртимизда салмоқли ишлар бажарилмақда. Шундан экан, Китоб туманига қарашли бу манзилда мутахассислар томонидан ўрганилган олиб борилса, мазий қатидан бизгача етиб келган айрим манбалар топилишига эришиш мумкин. Бу эса соҳанинг янада ривожланишига замин яратяди.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мутолаа

Бир қуатум сув роҳати

Парда чўпон сурувни сувлатгани кудуқ тарафга ҳайдади. Раҳматли Тошмурод бобо қазиб кетган кудуқ қирқ йилдан буён беминнат сув бериб келяпти, бўлмаса, қўйчивонларнинг ҳоли нима кечарди?..

Сувнинг қадрини бошқалар билмаса ҳам Парда чўпон яхши билади. Сувни деб шаҳарда яшайдиган ўғли Яхшибойни қаттиқ койгани, кенжа келинининг сув оқаётган ариққа мағзава тўқанини кўриб индамаган кампирини уришгани ҳам рост. Ўғли ўқимашди йигит, айбини тан олиб уэр сўради, аммо кампирни тушмагур нақ бир ой қизиникига аразлаб кетиб қолиб, Усал қилди-да.

Балки бир воқеа бўлмаганида... Ўша кун Парда чўпон нон олиб келгани қишлоққа кетса, қўшниси тўй бошлаган экан,

элчилик, айтишибди, бормаса бўлмайди. Қолаверса, Тошпўлат махсум яқин дўсти. Борди, улфатчилик қилди, сўнгга тўенани узатиб, эшагига минди-да, даштга кетди.

Чўлиги сурувнинг бошида экан. Эсли йигит, яқинда уйланган. Кўзи қизариб юрибди. Раҳми келиб, уйига жўнатди. Сурувни ўзи ҳайдади. Ярим гунда қўйлар тин олди. Тўда бўлиб қолди, демек, тонтгача дам олса бўлади.

Парда чўпон чанқади, гўлчадаги муздек сувдан сипқорди. “Бай-бай сув жоннинг роҳати”, деб ҳаёлидан ўтказди.

Хуржунни олиб, эшакни ноқдан халос қилди. Оҳишта ёнбошлади. Қир тарафдан гир-гир элқин эсди. Ҳовурни кўтарди, уйқуга чорлади.

Чўпон илкис уйғонди. Кун кўтарилиб кетибди. Тепасида эшаги турибди. Қўйлар йўқ, итлар ҳам кўринмайди.

У кўрқиб кетди, жон ҳолатда тағинни олиб, изларни ахтарди. Топди, сурув кунботарга кетибди. Қўйларга нимадир ҳадик берган чоғи...

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюشمаси аъзоси

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-246. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусахҳиш: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилнинг: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
Ўза яқуни — 23:05 Топшириди — 23:55